

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Рахмонов А.И.

“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси ўқитувчиси
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Аннотация: Мақолада мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили келирилган.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш, ЯИМ, аҳоли бандлиги, таҳлил.

ANALYSIS OF SERVICE SECTOR INDICATORS IN UZBEKISTAN

Rakhmanov A.I.

Teacher of the department of “Economic theory”
Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract: The article provides an analysis of indicators representing the level of development of the service sector in our country.

Key words: services, GDP, population employment, analysis.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланганлик даражаси аҳоли юқори турмуш сифатини таъминлашнинг ва иқтисодий ўсишсуръатларини жадаллаштиришнинг белгиловчи омилига айланди. Айниқса, ушбу соҳанинг, айниқса меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш ва унинг даромадларини ошириш муаммосини ҳал этишдаги беқиёс аҳамиятини кишилик жамияти томонидан эришган катта ютуқ сифатида алоҳида эътироф этиш лозим. Соҳанинг аҳоли турмуш даражасини ҳамда сифатини яхшилашдаги ролини ошириш, биринчи навбатда, ушбу соҳани бугунги ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини чуқур таҳлил қилишни,


ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни аниқлашни ва уларнинг ечимларини излаб топишни, имкониятларни белгилашни ва келажакда улардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Ушбулардан келиб чиққан ҳолда ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати, унда содир бўлаётган миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзгаришини таҳлил асосида ўрганилди.

Мамлакат миллий иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида, хусусан, ЯИМ ишлаб чиқаришда, аҳолини иш билан таъминлашда, унинг турли эҳтиёжларини қондиришда турмуш даражаси ва сифатини оширишда, давлат бюджетини шакллантиришда етакчи ўрин тутади. Шу билан бир қаторда, хизмат кўрсатиш соҳаси кўп тармоқли ва бир вақтнинг ўзида бир неча йуналишда фаолият олиб боровчи соҳа. Ушбу соҳада доимий тарзда ўзаро миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳалари билан узвий боғлиқ бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнлар содир бўлади ва ривожланиб боради. Хизмат кўрсатиш соҳаси, бир томондан, миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳа ҳамда тармоқларига, уларнинг ҳолати ва ривожланишига катта таъсир кўрсатса, иккинчи томондан, унинг ривожланиш имкониятлари ҳамда истиқболлари бошқа соҳа ва тармоқлар динамикаси билан белгиланади.

Табиийки, хизмат кўрсатиш соҳасини баҳолаш услуби юқорида зикр этилган барча жараёнлар ва боғлиқликларни ўзида акс эттириши лозим. Мавжуд адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳасининг миллий иқтисодиётдаги, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрнини, унинг самарадорлигини, рақобатбардошлигини ёки бошқа баъзи бир жиҳатларини баҳолаш, асосан, қуйидаги макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали ифода этилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини мамлакатнинг ЯИМ таркиби бўйича баҳолаш. Хизмат кўрсатиш соҳасини бундай ёндашув асосида баҳолаш,

унинг мамлакат иқтисодиётидаги мавқеини кўрсатади. Чунки, ЯИМ иқтисодиётнинг моддий ҳамда номоддий соҳалари бўйича иқтисодий фаолиятнинг якуний натижаларини тавсифловчи макроиқтисодий кўрсаткичдир. ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши қанча юқори бўлса, мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси ва сифати ҳам шунчалик юқори бўлади. Мамлакатимиз ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 1-диаграммада келтирилган.




1-диаграмма. ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши, фоизда

Келтирилган 1-диаграммадан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда 2017 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ таркибидаги улуши 37,4 фоизни ташкил қилган бўлса, охириги тўрт йил мобайнида хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши муттасил ўсиб борганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, 2018 йилда – 35,5 фоиз, 2019 йилда – 36,6 фоиз ва 2021 йилда эса – 38,6 фоизгача ўсишга эришган. Ушбу кўрсаткич ривожланган мамлакатларда 74 фоизниташкил этади. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ушбу соҳани жадал суръатлар билан ривожлантириш ва унинг мамлакат ЯИМ таркибидаги улушини янада ошириш мақсад қилиб қуйилди.

Мамлакатда олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар ҳам айнан шунга қаратилган. ЯИМ таркибида хизматлар соҳаси улушининг ошиб

боришига асосан кўрсатилган хизматлар ҳажмининг йилдан-йилга ошишини кўрсатиб ўтиш мумкин (2-диаграмма).

2-диаграмма маълумотларидан ҳам кўришиб турибдики, миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳажми 2021 йилда 2017 йил билан таққослаганда 165354,4 (284165,4-118811,0) млрд.сўмга кўпайган. Бу эса албатта ижобий ҳолатдир.



2-диаграмма. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати, млрд.сўм.

Шу сабабли ҳам ЯИМ ҳажмини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, унинг тармоқларини модернизациялаш муҳим аҳамиятга эга.

Хизмат турларини ривожлантириш - мамлакат иқтисодиётини ривожланишига асосий ҳисса қўшади. Хизмат сифатини ошириш ва ривожлантириш бугунги кун кўрсатилаётган хизматнинг асосий мақсади ва вазифаси ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, аввало уни иқтисодиётда қандай ҳолатда эканлигини аниқлаб ўрганиб чиқиб, таҳлил қилиш лозим бўлади. Шу сабабли бизлар таҳлилни мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳолатини ўрганишдан бошладик (1-жадвал).

Худудлар бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми, млрд.сўм

Худудлар	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2021 йилда 2019 йилга нисбатан	
				Фарқи (+;-)	Ўсиши, %
Ўзбекистон Республикаси	193 697,8	219 978,5	284 165,4	64 186,9	129,2
Қорақалпоғистон Республикаси	5 671,8	6 520,3	8 458,4	1 938,1	129,7
Андижон	9 803,8	11 413,0	14 636,3	3 223,3	128,2
Бухоро	8 413,2	9 843,1	12 574,1	2 731,0	127,7
Жиззах	4 305,1	5 024,7	6 395,6	1 370,9	127,3
Қашқадарё	8 800,9	10 349,5	12 823,8	2 474,3	123,9
Навоий	5 056,2	5 840,5	7 459,6	1 619,1	127,7
Наманган	7 747,6	8 928,6	11 619,5	2 690,9	130,1
Самарқанд	12 786,8	14 086,1	18 259,0	4 172,9	129,6
Сурхондарё	6 981,9	8 013,9	10 387,4	2 373,5	129,6
Сирдарё	2 726,8	3 303,0	4 183,1	880,1	126,6
Тошкент	14 568,4	16 438,3	21 197,4	4 759,1	129,0
Фарғона	11 684,1	13 694,4	17 411,8	3 717,4	127,1
Хоразм	5 763,3	6 461,2	8 325,8	1 864,6	128,9
Тошкент ш.	65 759,2	79 879,3	106 502,8	26 623,5	133,3

1-жадвал маълумотлари асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

- таҳлил олиб борилган 2019-2021 йилларда Ўзбекистонда хизматлар ҳажми ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб, хизматлар ҳажми 2019 йилдаги 193697,8 млрд.сўмдан 2021 йилга келиб 64186,9 млрд.сўмга ошиб, 284165,4 млрд.сўмни ташкил қилди.

- хизмат кўрсатиш ҳажмлари мамлакатнинг барча ҳудудларида 2021 йилда 2019 ва 2020 йиллар билан таққослаганда ўсишга эришган. Республика ҳудудлари орасида 2019 йилга нисбатан 2021 йилда энг юқори ўсиш суръатлари Тошкент шаҳри – 33,3 фоиз, Наманган вилояти – 30,1 фоиз ва Қорақалпоғистон автоном Республикасида – 29,7 фоиз кузатилди.

- Республикамиз ҳудудлари орасида жами кўрсатилган хизматлар ҳажмида Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Андижон

вилоятларининг улушлари юқорилигича сақланиб қолмоқда. Ўзбекистон миллий иқтисодиётида хизматлар соҳасининг йил сайин ўсишига, албатта хизмат кўрсатиш тармоқларининг кўпайиши ва замонавий турларининг пайдо бўлиши ҳам асосий сабаблардан бири бўлиб ҳисобланади.


Хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳолининг иқтисодиётда банд умумий аҳоли сонига улуши ҳам соҳа фаолиятини баҳолайди. Хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятини бундай ёндашув асосида баҳолаш соҳанинг миллий иқтисодиётдаги ижтимоий аҳамиятини белгилайди.

Ижтимоий йўналтирилган ва аҳоли кенг қатламлари турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилган бозор иқтисодиётини изчиллик билан шакллантираётган Ўзбекистонда аҳоли бандлиги масалаларига жиддий эътибор қаратилаётганлигининг боиси ҳам ана шунда. Аҳоли бандлигини таъминлаш мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай фикр билдирган: “Аҳолини иш билан таъминлаш биз учун нафақат иқтисодий, айти пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эгадир. Ҳокимликлар, вазирликлар ва идоралар, иш берувчи ташкилотлар билан бир қаторда, банк муассасаларини ҳам бу ишга янада фаол жалб этиши керак. Аҳоли бандлигини ҳал этишда туризмни ривожлантириш бўйича катта имкониятларни ҳам ишга солишимиз лозим”. Ушбу муҳим вазифаларни бажаришда хизмат кўрсатиш соҳаси етакчи рол ўйнаши лозим, деб ўйлаймиз. Хизмат кўрсатиш соҳасининг бандлик муаммоларини ҳал этишда мавжуд имкониятларни аниқлаш ва улардан унумли фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичларини таҳлил ўтказдик.

Статистик маълумотларга кўра Ўзбекистон иқтисодиётида банд бўлган аҳолининг 50,7 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият

кўрсатади (3-диаграмма). Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 70 фоизни ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, ушбу соҳани жадал суръатлар билан ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, унинг аҳолини иш билан таъминлаш йўлларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.



3-диаграмма. Хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳоли сони, фоизда

Келтирилган диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017 йилда иқтисодиётда банд аҳолининг 50,2 фоизи ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлса, 49,8 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган. 2021 йилда иқтисодиётда банд аҳолининг 49,3 фоизи ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлса, 50,7 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган.

Мамлакатимиз иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳоли сони улушининг 2020 йилда қисқариши пандемия сабабли дейишимиз мумкин холос. Аҳоли бандлиги таркибида бундай ўзгаришларни табиий ҳолат дейишимиз мумкин. Чунки у мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ролини ошириш йўлида олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсатнинг моҳиятига мос келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола.- Тошкент: Маънавият, 2017.- 166-б.

2. <https://stat.uz>. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

3. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/> маълумотлари асосида ҳисобланди